

тузоғига тушиб қолмасдан Аллоҳ амрига бўйсиниши лозим бўлади. Фано бўлиш ибораси, аслида солиҳларнинг ўткинчи ҳаёт ташвишларидан озод бўлишини, маънавий ақлий покланишни, илоҳий амрни тўла-тўқис ва бажонидил бажаришни билдиради.

Ибн Арабий “ўлмасларингиздан бурун ўлинглар, “мен нафлар орқали менга яқинлашаётган бандани севаман. Севдимми унинг қулоғига, кўзига ва кўлига айланаман....”, “албатта мўмин мўминнинг ойнасидир” [7;Б.48] каби ҳадисларни ҳам келтириб уларда Аллоҳдан ўзга борлиқ ёки вужуд йўқлигига ишора эканлиги баён қилинган.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, Ибн Арабийнинг “ваҳдат ул

вужуд” назарияси шу қадар катта қизиқишларга сабаб бўлар эдики, у тўғрисидаги мунозаралар, тортишувлар араб диёридаги ғоя тушунчалар ўртасида қандай бўлган бўлса, Марказий Осиёдаги уламо ва мутасаввуф-сўфийлар орасида ҳам шундай бўлди. Шу билан биргаликда нақшбандия тариқати намоёндалари Хожа Муҳаммад Порсо Бухорий, Хожа Аҳрор Валий, Абдурахмон Жомий ва Маҳдумий Аъзам Даҳбидийлар томонидан Ибн ал Арабийнинг “ваҳдат ул-вужуд фалсафаси”даги ирфоний ғояларнинг нақшбандияда тасаввуфий таълимот даражасига кўтаришга ҳаракат қиладилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Муҳйиддин Ибн ал Арабий. Ал Футухот ул-Маккия. 4-жилд-Байрут. “Дар содир”.
 2. Муҳаммад ибн Муҳаммад Тоҳири Ироқий. Рисолаи Қудсия Хожа Порсо. – Техрон: Таҳурий, 1354. .
 3. Комилов Н. Тасаввуф. Тавҳид асрори.-Тошкент. Ёзувчи. 1999.
 4. Йўлдошев С., Усмонов М., Каримов Р. Қадимги ва ўрта аср Ғарбий Европа фалсафаси. –Т.:Шарқ. 2003, 46-132 бетлар.
 5. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Тасаввуф ва инсон. Т.: Адолат, 2001. 20-бет.
 6. Болтаев Абдурахим Аманович. “Муҳйиддин ибн Арабийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари мавзусидаги 09.00.03- Фалсафа тарихи мутахассислиги бўйича фалсафа фанлари доктори (DSc)диссертацияси. Бухоро, 2023.70-71 бетлар.
 7. Давлатов Олим. Ибн ал Арабий ва унинг ваҳдат ул-вужуд фалсафаси. –Тошкент. Фан, 2008, 48-бет.
 8. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. - Тошкент, “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2004. 214-215-бетлар.
- Ибн Арабий “Ал Футухот ул-Маккия”асарида. 3-жилд. 429-бет.

ТАДБИРКОРЛАР МОДДИЙ МАНФААТЛАРИНИНГ ҒОЯВИЙ-МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЕЧИМЛАРИ

Холмирзаева Манзура Абдимуратовна,
Термиз давлат университети мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: Ўзбекистон халқи мустақилликка эришган кунидан бошлаб тадбиркорликни мамлакатни ривожлантиришнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида эътироф этди.

Мақолада тадбиркорлар моддий манфаатларининг ғоявий-мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг назарий ва амалий ечимлари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Тадбиркор, бизнесмен,

менежер, меъёрий-хукукий хужжатлар, оилавий тадбиркорлик, ғоявий-мафкуравий хавфсизлик.

Аннотация: Со дня независимости народ Узбекистана признал предпринимательство главной движущей силой развития страны. В статье говорится о теоретических и практических решениях по обеспечению идеологической и идеологической безопасности материальных интересов предпринимателей.

Ключевые слова: Предприниматель, бизнесмен, менеджер, нормативно-правовые документы, семейный бизнес, идейно-идеологическая безопасность.

Abstract: Since the day of independence, the people of Uzbekistan recognized entrepreneurship as the main driving force of the country's development. The article talks about theoretical and practical solutions to ensure the ideological and ideological security of material interests of entrepreneurs.

Key words: Entrepreneur, businessman, manager, regulatory and legal documents, family business, ideological and ideological security.

Ўзбекистон халқи мустақилликка эришган кунидан бошлаб тадбиркорликни мамлакатни ривожлантиришнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида эътироф этди. Чунки, тадбиркорлик-кишиларнинг эркин меҳнат қилиш эвазига эҳтиёж ва манфаатларини қондиришнинг ифодасидир. Хўш, шундай экан, тадбиркор ким? Уларнинг эҳтиёж ва манфаатлари нималардан иборат деган савол туғилади.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да: “Тадбир [арабча-бошқариш, идора қилиш; тежамкорлик; чора, илож, йўл-йўриқ; ҳаракат тарзи] – амалга ошириш, рўёбга чиқариш учун йўл-йўриқ ва чора”, “Тадбиркор [араб ва форс тилидан олинган ҳолда тадбир қилувчи, тадбир изловчи] – ишлаб чиқаришни ёки бошқа фаолиятни ташкил этувчи, молиялаштирувчи, тижорат ёки саноат корхонасини фойда олиш мақсадида бошқарувчи шахс, мулкдор” [15], деган маънони англатиши қайд этилган.

Аммо, “тадбиркорлик” ҳақида билдирилган мазкур фикрларни фалсафий таъриф ва тавсиф сифатида қабул қилиб бўлмайди. Чунки, у тадбиркорликнинг ижтимоий борлиқда пайдо бўлган объектив ҳодиса, айни вақтда уни ҳаракатга келтирувчи субъектив омил сифатидаги хусусиятларини тўлиғича акс эттирмаган.

“Тадбиркор” атамасини илк бор инглиз иқтисодиётчиси Р.Кантильон (XVIII аср боши) ишлатган. Унинг фикрига кўра: “Тадбиркор бу- даромадлари мавҳум, яъни олдиндан аниқ бўлмаган киши. У бировларнинг товарларини маълум нархларда сотиб олиб, бошқа бировларга номаълум нархларда сотади. Бундан аён бўладики тадбиркорлик бу - таваккалчилик” [5;26]. Демак, тадқиқотчининг фикрига кўра, тадбиркор товар сотиб олиш ва сотишда эркин фаолият юритадиган киши. Унинг манфаати кўпроқ товар сотиб олиш ва фойда кўриш учун уни бир оз қимматроққа сотишдан иборат.

XIX аср бошига келиб “тадбиркор” деган сўзни француз иқтисодиётчиси Жан Батис Сей илмий адабиётларга олиб қиради. У мазкур атаманинг функционал моҳиятини очиқ беришга интилни. Унинг асослашига кўра, “Тадбиркор - бу капитал, меҳнат, табиий ресурслар каби ишлаб чиқариш омилларининг “ўзаро мувофиқлаштирилган” [9;43], “комбинациялаштирилган” фаолияти билан шуғулланувчи киши. Унингча тадбиркорлик қобиляти ноёб фазилат ҳисобланади.

Немис иқтисодчиси В.Зомбарт (XIX–XX аср) нинг фикрига кўра, “тадбиркор – таваккалга шай бўлган, руҳан эркин, ғояларга бой, ирода ва қатъиятли, кўп кишиларни биргаликда ишлашини ташкил қила оладиган ташкилотчи киши” [5;26]. Бу ҳақиқатга яқин фалсафий таърифлар каторига қиради.

Австриялик иқтисодчи Й.Шумпетер (XX аср) тадбиркорни янги иш усуллари ва иш жойлари яратувчи, фаолияти даромад топиш, фаровонлик, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга хизмат қилиш ниятидаги “ижодкор”, “эркин фаолият эгаси” деб қаради. Янгилик яратиш тадбиркорнинг асосий фазилати, айнан ушбу фаолияти

билан у ижтимоий-иқтисодий ҳаётга ҳисса қўшади[10;21-27].

Бугунги кунда ҳорижий мамлакатларда ёзилган китоб ва илмий мақолаларда: Масалан, Хэлле Мункхолм Дэвидсон (Helle Munkholm Davidsen): “Тадбиркорликдаги озодлик руҳи назорат қилишга зид келишини кўрсатади. Тадбиркорлик янги нарсаларни кўриш ва улардан фойдаланишдир”[12], Люк Питтвэй (Luke Pittaway): “Тадбиркорлик фалсафаси тадбиркорлик жараёнини қандай қилиб эгаллашга қаратилгандир. Ундаги ўзгариш ижтимоий ўзгаришлар, аниқроғи жамиятнинг ўзгариши билан боғланган бўлиб, унинг асосни ижтимоий жараёнлар ташкил қилади. Демак, шундай қилиб ижтимоий тадбиркорликнинг фалсафий асослари мавжуддир”[13], Лаури Лей (Lauri J. Laine), Паул Ханнон (Paul D. Hannon): “Тадбиркорлик – бу ҳар бир нарсага абадий “ҳа” деб айтиладиган сўз бўлиб, инсоннинг ҳаётдаги имкониятларини очади, бироқ уни фақат “муваффақият” қозониш деб аташ ҳам унчалик тўғри эмас. Бунда тадбиркорлик ва инновация бирлашсагина муваффақиятга эришиш мумкин. Бу шундай тушунилгандагина, одамнинг руҳиятини, фалсафий қарашини ўзгартириб юборди”[14],– деган фикрларни билдирмоқдалар. Демак, улар ҳам тадбиркорлик билан шуғулланувчиларнинг манфаатларини қондиришга бағишланган тадбиркорлик фалсафасини яратиш, шакллантириш ва ривожлантириш устида илмий-амалий изланишларни олиб бормоқдалар.

Ўзбек олимларидан Ё.Абдуллаев “тадбиркорлик” ва “тадбиркор” тушунчаларини фарқлашга интилади. Унинг таърифича, “тадбиркорлик-жамият учун аҳамиятли фаолият, даромад келтирувчи, шахсга фаолияти натижасидан қониқиш берувчи ва кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилувчи янги қандайдир маҳсулотни яратиш. Тадбиркор – новатор, янги йўл яратувчи, излаб топувчи, янги бизнес бошловчи, янги товар ишлаб чиқарувчи ва жамият эҳтиёжларини қондирувчи янги хизмат турларини яратувчи шахс. Новаторнинг мақсади – ўз ишини ташкил этиш ва ривожлантириш, ўзининг ижодий қобилиятларини намоён этиш ҳамда

у орқали ниманидир яратишдан иборатдир”[5;22].

Шу билан бирга, муаллифлар тадбиркорликни бизнес ва менежмент, тадбиркор шахсини бизнесмен ва менежер тизимида қарашни таклиф этадилар. Улар илмий адабиётларда улар айнанлаштирилишини, синоним тарзида талқин қилинишини қайд этадилар. Уларнинг фикрича, улар турлича воқеликлар, “тадбиркорлик фаолияти бизнеснинг олий поғонаси ҳисобланади. Тадбиркорликнинг асосий белгиси – қандайдир янги ишни бошлаш, яъни новаторлик демакдир. Ҳақиқий тадбиркорни коммерсантлар, олиб сотарлар, воситачилар, анъанавий савдогарлардан фарқлаш даркор”[5;22].

У яъни тадбиркорлик ташқи таъйиқсиз, маънавий-руҳий эҳтиёж, ўзидаги ижодий фазилатларни ифода этишга қаратилган эркин фаолият туридир. Мазкур хусусиятни Ё.Абдуллаев ва Ш.Юлдашев қуйидагича тавсифлашади: “Тадбиркорлик, – деб ёзишади улар, фақат касб-кор эмас, у инсон қалб майлини ва туғма қобилиятини, шунингдек, у алоҳида фикрлаш тарзини, хулқ-атворини ифодаловчи алоҳида маданият, усулдир. Тадбиркорларга мотивация берувчи учта муҳим белги: 1) ўз келажагини ўзи назорат қилиш имконига эга бўлиш истаги; 2) имкони даражасида шахсий ҳаёти ва ишини бирлаштириш умиди; 3) ўз усули, ҳаёт тарзини ва фаолият соҳасига ёйиш истаги. Шубҳасиз, тадбиркорни ўз меҳнати учун тақдирланиши ва шахсий аҳволининг яхшиланиши ҳам мавжуд зарурий шарт ҳисоблансада, бироқ тадбиркорнинг шакллантириш ва ҳаракатга келтирувчи асосий омиллар пул ва бойлик эмас”[5;23]. Кўриниб турибдики, тадқиқотчилар тадбиркорликка кенг, ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан талқин беришга интиладилар.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда, бизнингча **тадбиркорлик** – бу тадбиркорларнинг бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат аҳолисининг моддий ва маънавий неъматларга бўлган эҳтиёж ва манфаатларини самарали қондириш учун

ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида рақобатни инновацион тарзда ташкил этиш орқали фойда кўриш ва даромад топишни йўлга қўйиш натижасида ўзини ва халқини бой-бадавлат қилишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий фаолиятидир.

Тадбиркорликка берилаётган таъриф ва тавсифларнинг мазмун-моҳияти фалсафий жиҳатдан олиб қаралганда: *биринчидан*, тадбиркорликнинг ижтимоий воқелик сифатида мавжудлигини; *иккинчидан*, тадбиркорлик бозор иқтисодиётининг таянч нуқтаси; *учинчидан*, мамлакатимизда ишсизликни тугатиб ҳар бир оиланинг тинч ва фаровон яшашини таъминловчи асосий омили; *тўртинчидан*, одамларни “боқимандалик”, “лоқайдлик”, “бепарволик” каби иллатларидан қутқаришнинг энг таъсирчан воситаси эканлиги кўрсатиб берувчи, *бешинчидан*, ўзбек миллий тадбиркорлик фалсафасини яратишга кенг йўл очиб берувчи методологик аҳамиятга эга бўлган асос эканлигини билдиради. Бу эса ўз навбатида “тадбиркорлик” тушунчасини ижтимоий фалсафий жиҳатдан тадқиқ қилишни, чиқарилган илмий хулосалар орқали унинг мазмун-моҳиятини давр руҳига монанд равишда одамлар онгига сингдиришни тақозо этади.

Умуман олганда, тадбиркорнинг манфаати бу максимал даражада фойда олишдир. Фойда эса корхонанинг фаолиятини кафолатлайди, корхона активларини ошириш ёки қайта тиклаш имконини беради ҳамда корхона аъзоларига катта даромад келтиради.

Тадбиркорликнинг негизини эса хусусий мулк, табиий-иқлим шарт-шароити, истеъмолчилар ва уларнинг сотиб-олиш имкони, ҳуқуқий базанинг мавжудлиги кабилар ташкил этади. Бунда хусусий ва ўзаро фойдали битимлар тузиш ва катта манфаат кўриш – замонавий тадбиркорликнинг энг муҳим функцияларидан биридир. Тадбиркорлик фаолияти – эркин фаолият, у билан шуғулланиш, аввало жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий талабларидан келиб чиқади, мазкур талаб, ўз навбатида, тадбиркорлик фаолиятининг турлари ва кўринишларини

ҳам белгилаб беради.

Фойда олишга қурилган ҳар қандай тадбиркорлик жамият манфаатларидан келиб чиқишга, ушбу манфаатларга мувофиқ ҳаракат қилиши ижтимоий қонуниятлар каторига киради. Бунда, *биринчидан*, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектнинг индивидуал хоҳиш ва истаги билан жамият хоҳиши ва истаги ўртасида фарқларнинг мавжудлиги; *иккинчидан*, тадбиркорлик субъектининг манфаатни қондиришга қаратилган ҳаётий режаси, мақсади ва интилишлари гоҳо индивидуал воқелик, ҳатто эгоистик кўринишга келиб унда нигилизмни, индифферентликни уйғотишига олиб келиши билан характерланади.

Тадбиркорлик – бозор иқтисодиёти маҳсули, маълумки, бозор иқтисодиёти шахсда пул топишга, мулк орттиришга бўлган майлга асосланган манфаатини кучайтириб юборади. Агар бу майл асосланган манфаат радикал кўринишга ўтса, шахс ўз майлини мутлақлаштиришни одатига, ҳаёт тарзига айлантирса, у ўз эркинликка асосланган манфаатини бошқалар манфаатига қарши қўйишга мажбур бўлади. И.Кант таърифига кўра, индивид эрки бошқа индивидлар эркини рад этиши мумкин эмас, бошқалар эрки рад этилган заҳоти ҳуқуқ ва эркинлик тамойиллари бузилади [8;58-60]. Жамиятнинг ҳаётий режаси унинг ривожланиш йўллари, қонуниятларини белгилаб берувчи стратегик мақсадида акс этади, тадбиркорнинг шахсий манфаати – оилани боқиш, бизнесни юритиш, жамоани иш ва маблағ билан таъминлаш, кундалик режа тузиш ва уни таҳлил қилиш, бошқа субъектлар билан алоқалар ўрнатиш кабилардир.

Жамиятда устуворлик қилаётган ижтимоий муносабатлар, субстанционал нуқтаи назардан, халқ, миллат ҳаёти билан боғлиқ, уларни тадбиркор кундалик фаолиятида идрок этавермайди. Шундай экан, тадбиркорлик субъекти билан жамият, социум ҳаётий режаларида фарқлар сақланиб қолади. Демократик тамойилларга мувофиқ ташкил этилган жамият, социум ҳаёти уларнинг антогинистик курашларга

айланмаслигини таъминлайди.

Тадбиркорларнинг миллийликка асосланган шахсий манфаатлари ташкилий-тадбирий жиҳатдан:

- а) меҳнат турини эркин танлаш;
- б) хусусий мулкка эга бўлиш ва ундан истаганича фойдаланиш;
- в) меҳнатига, хизматларига мувофиқ даромад топиш;
- г) хусусий корхоналарни, бизнесни бошқариш;
- д) жамоат ташкилотларига, нодавлат институтларига бирлашиш;
- е) меҳнат жамоасига мувофиқ келадиган ўзини ўзи бошқариш органларини тузиш;
- ё) ёлланма меҳнатдан фойдаланиш;
- ж) кадрлар танлаш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш, бошқариш;
- з) эркин фаолият юритиш асосида кўпроқ фойда кўриб, даромад топиш кабиларга қаратилган бўлади.

Кишилардаги тадбиркорликка хос бўлган хусусияти аввало эркин меҳнат қилишга бўлган иштиёқи билан ифодаланади. Айнан эркинлик, тадбиркорлик фаолиятининг у билан боғлиқлиги бизнес, менежмент, бозор иқтисодиёти, истеъмолчи эҳтиёжлари ва манфаатлари каби воқеликларни ижтимоий-фалсафий объекти (предмети)га айлантиради.

Мамлакатимизда тадбиркорлик стихияли тарзда ташкил қилинмайди. Тадбиркорлик фаолияти муайян қонунлар ва жамият томонидан ўрнатилган ахлоқий-маънавий нормалар асосида фаолият олиб боради. Улар айни вақтда тадбиркорларнинг миллий манфаатларини қондириш учун қиладиган хатти-ҳаракатларининг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Масалан, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда (янги таҳрир) (2012 йил 7 май) хусусий мулкдан фойдаланиб ўз манфаатларини қондириш учун ижтимоий-иқтисодий муносабатларда қатнашмоқчи бўлганларнинг ҳуқуқлари белгилаб берилди. Улар қуйидагилардан иборат:

– қонунда кўрсатилган асосда ўзининг мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда тасарруф этиш;

– ишлаб чиқариш дастурини мустақил равишда шакллантириш, маҳсулот етказиб берувчиларни ҳамда маҳсулотининг (ишлари, хизматларининг) истеъмолчиларини ўз ихтиёрига кўра танлаш;

– тадбиркорлик фаолиятидан чекланмаган даражада фойда олиш ва уни тасарруф этиш, товарлар (ишлар, хизматлар) бозорида етакчи мавқени қўлга киритган ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектлари бундан мустасно;

– ўз маҳсулотини (ишлари, хизматларини) реализация қилишда мустақил белгиланадиган нархлар ва таърифлар бўйича ёки шартнома асосида амалга ошириш;

– бинолар, иншоотлар, ускуналар олиш ёки уларни ижарага олиш;

– ташки иқтисодий фаолиятни белгиланган тартибда амалга ошириш[3].

Мазкур тартиблар тадбиркорларнинг манфаатларини қондиришга ҳам тааллуқли бўлиб, унинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларда бошқа тадбиркорлик субъектлари билан бир қаторда тенг ҳуқуқли қатнашишини кафолатлайди.

Тадбиркорлик моҳиятан меҳнатга бўлган муносабатни ўзгартиради, кишини ўз маблағи ва мол-мулки ҳисобига таваккал қилиб ишлашга ўргатади. Сарфланган 1 сўм тадбиркорга камида 2 сўм бўлиб қайтиши лозим, агар у шундай фойда кўрмаса ёки шундай даромад топишни режалаштирмаса, таваккал қилмайди. Таваккал таваккал учун эмас, фойда кўриш учун, буни ишбилармон яхши билади[11;С.190]. Демак, тадбиркорнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги манфаатлари фаоллиги тагида фойда кўриш, даромад топиш ётади. Аслида фойда, даромад топишни назарда тутмайдиган манфаатларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолият тури учрамайди. Бозор иқтисодиёти меҳнатнинг муносиб тақдирланишини тақазо этади, хайрия, хашар – бир маротабалик ёрдам, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар изчил, ҳар қуни, кенг миқёсда, интенсив давом этиладиган жараёнлардир. Миллий манфаатдорлик ушбу жараёнларга ранг-баранглик, таваккалчилик, инновацияга мойиллик олиб

киради, шу тариқа у ижтимоий-иқтисодий муносабатларга шахсий манфаат, хусусий мулк, инновацион ташаббусни тадбиқ этади.

Ҳозирга кунда мамлакатимизда энг кўп тарқалган тадбиркорлик турларидан бирини оилавий тадбиркорлик ташкил қилади. Оилавий тадбиркорлик камида икки киши бўлган меҳнат жамоасидан иборат фаолият тури. У кўпроқ турли маданий-маиший ва маърифий хизматлар кўрсатиш, халқ ҳунармандчилиги, савдо-сотиқ билан шуғулланиш каби йўналишларда кўпроқ учрамоқда. Бугунги кунда оилавий тадбиркорликда паррандачилик, қуёнчилик, пиллачилик, чорвачилик, балиқчилик, халқ табobati каби соҳалар ҳам пайдо бўлди. Уларнинг шаклланишига Президентимизнинг махсус Фармонлари ва Қарорлари тurtки берди. Қишлоқ хўжалигида юзага келаётган оилавий фермер хўжаликлари, мева-сабзовотларни консервалаштириш, қуриштириш ва қайта ишлаш фаолиятлари Ўзбекистон учун ўта муҳимдир. Сир эмаски, қишлоқ ҳаётини агросаноат тизими орқали тубдан ўзгартириш ҳали кўп йилларни талаб этади. Дарвоқе, қишлоқ ҳаётини индустрлаштириш ва модернизациялаш мавжуд этноанъаналарни рад этмайди. Қишлоқнинг ўзига хос этномаданияти ва турмуш тарзи, аҳолисининг ўзига хос менталитети мавжуд, уларни сунъий тарзда сиқиб чиқаришга, йўқ қилишга интилмаслик зарур. Деҳқончилик ва чорвачиликка асосланган қишлоқ хўжалигида меҳнат тақсимооти, ишчи кучларидан фойдаланиш, индустриал усулларга таяниш ўзгариши табиий ҳолдир.

Миллий манфаатларга асосланган тадбиркорликнинг мозийдаги ўрнига назар ташлайдиган бўлсак, “Ўзбек халқи маданиятининг ижтимоий-тарихий генезиси, ундаги инновацияга мойиллик, бошқа халқлар, этнослар ва миллатлар билан интеграцияга киришиб ривожланиш хусусияти мавжудлигини кўрсатади. Шу билан бирга ижтимоий-тарихий ривожланиш, этногенез ўзбек халқи маданиятида барқарор, муқим ўзакни ҳам яратганки, уни ташқи тазйиқлар, босқинлар, инқилоблар ҳам ўзгартира олмаган. Айнан ушбу ўзакда ўзбек халқи маданиятининг

ўзига хос барқарорлик, ижтимоий-миллий воқелик сифатида яшаб келаётгани таъминланган. Оилавий тадбиркорлик ушбу ўзакда мавжуд эди, шунинг учун халқ маданиятининг қайси бир тизими(соҳаси)ни олманг унда дифференциаллашган меҳнат, хизмат кўрсатиш тури мавжудлигини кўрамиз. Бу аслида ҳозирги бозор иқтисодиётига хос меҳнат турлари эдики, улар эркин, ихтиёрий олди-сотди қонунларига, талабларига мувофиқ амалга оширилган. Бозор иқтисодиёти нафақат нарх-наволарни, шунингдек, маҳсулотлар, товарлар ва хизмат турларининг ҳам ранг-баранг бўлишини тақозо этган. Мазкур ранг-баранглик бозорда монополия ҳукмронлик қилишига йўл қўймаган, локал маданиятларнинг ривожланишига имкон бермаган”[6;51-52].

Шунинг учун оилавий тадбиркорлик халқ маданияти, халқ ижоди ва халқ ҳунармандчилиги тизимида қуйидаги шаклларда:

а) ижтимоий-иқтисодий тизим(соҳа) – иқтисодий маданият, бозор иқтисодиёти маданияти, ишлаб чиқариш маданияти, истеъмол маданияти, менежмент (ишбилармонлик, тадбиркорлик) маданияти, савдо-сотиқ маданияти;

б) қишлоқ хўжалик тизими(соҳаси) – қишлоқ меҳнат маданияти, қишлоқ тарзи ва хўжалиги маданияти, қишлоқ тафаккури, қишлоқ ахлоқий маданияти, қишлоқ урф-одатлари ва байрамлари, қишлоқ оиласи ва оилавий муносабатлар маданияти;

в) шаҳар ҳаёти ва маданияти тизими – илмий техника маданияти, урбанизация, ижтимоий ташкиллаштиришдан, нормативлаштирилган муҳит;

г) сиёсат, жамият ва давлатни бошқариш соҳаси – адолатли тузум, идеал ҳаёт ҳақидаги тасаввурлар, қарашлар, инсонпарвар ва халқпарвар давлат;

д) демократик институтларни ривожлантириш;

е) маърифат, маориф тарбия соҳаси – меҳнат тарбияси, дин, илму-маърифат тарбияси;

ё) хўжалик маиший ҳаёт соҳаси – уй жой қуриш маданияти, хўжалик юритиш маданияти, пазандачилик маданияти,

санитария-гигиена маданияти, турмуш маданияти, кийиниш, бўш вақтни ўтказиш анъанаси;

ж) адабиёт, санъат ва замонавий ҳаваскорлик ижоди билан боғлиқ соҳа – оғзаки ижод, амалий санъат, рангли тасвирий санъат, халқ театри, халқ кулгу маданияти, бахшичилик, халқ ўйинлари, байрамлар, карнаваллар, дорбозчилик ва шу кабилар тарзида мавжуд бўлган[7].

Мазкур тизим ёки соҳаларнинг ҳар бирида халқимизга хос тадбиркорликни топса бўлади. Масалан, уй-жой қуриш билан боғлиқ хизмат турини олайлик. Ёиштчилик, дурадгорлик, уй-жой қуриш ихтисослашган меҳнат турлари бўлгани учун уларни махсус уста-хунармандлар амалга оширган. Бу хизматлар текинга бўлмаган, улар маълум бир ҳақ эвазига амалга оширилган. “Қўл ҳақи” ибораси азалдан тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи анъана бўлганидан дарак беради.

Пазандачилик, кандолатчилик, маданий-маиший хизматлар ҳам маълум бир ҳақ эвазига амалга оширилган. Дорбозчилик, халқ театри, аския томошалари, акробатик ўйинлар, кураш ҳам томошабинларнинг моддий қўллаб-қувватлаши, ёрдами эвазига намойиш этилган. Улар генезисига кўра, халқ маданиятининг ички тизимида, тарихий-миллий тажрибалар негизида яшаб, ривожланиб келган.

Оилавий тадбиркорликнинг халқ маданияти билан уйғун келиши унинг функционал хусусиятлари ва креатив белгиларига таъсир этади.

Оилавий тадбиркорликнинг аёллар ва гендер муаммолари билан боғлиқ томонлари ҳам мавжуд бўлиб “Аёллар тадбиркорлиги барча ижтимоий фаолият турлари каби ўзининг имманент белгиларига эга. Мазкур белгилар ижтимоий-иқтисодий муносабатларга, бозор иқтисодиёти ва унинг таъсирида шаклланаётган демократик қадриятларга, оилавий ижтимоий муҳитга, хотин-қизларнинг психофизиологик хусусиятларига, этномаданий анъаналарга мувофиқдир. Республикамизда барча жинслар учун тенг ижтимоий-ҳуқуқий макон яратилган бўлса-да, аёллар тадбиркорлигида ўзбек халқига хос бағрикенглик, онани

ҳурмат қилиш, аёл шаънини ва соғлиғини асраш, унга оғир жисмоний меҳнатни юкламаслик каби гуманистик ёндашувлар мавжудлиги кузатилади. Айнан шунинг учун ҳам аёллар тадбиркорлиги енгил, асосан жисмоний куч талаб этмайдиган соҳаларда кўпроқ учрайди. Бу билан аёллар ўз имкониятларини тўғри англаганликларини ифода этадилар ва ўзбек халқига хос меҳрибонлик, аёлпарварлик, оилапарварлик каби фазилатлардан фойдаланишга интиладилар”[6;57-58].

Оилавий тадбиркорликнинг функционал хусусиятлари аввало ҳуқуқий-норматив ҳужжатларда белгилаб берилади. Бу тадбиркорлик субъектлари фаолиятини аниқ тушуниш ва йўналтириш учун зарур. Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунида (2012 йил 26 апрель) оилавий тадбиркорликка оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги асосида ихтиёрий тарзда даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти (3-модда), деб таъриф берилган. Аммо унда оилавий тадбиркорликнинг функциялари 25-моддада атиги бир жумла билан, яъни оилавий корхона ҳар қандай фаолият тури билан қонун ҳужжатларига мувофиқ шуғулланиши мумкин дейилади. Мазкур қонунга 2013, 2015 йилларда тўлдириш киритилган, аммо улар ҳам оилавий тадбиркорлик функцияларига аниқлик киритмайди. Қонунда 30 маротабадан зиёд бошқа турли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат этиш талаб қилинади, бу эса қонунни нафақат оддий, юридик маълумотсиз тадбиркор, ҳатто ҳуқуқшунос учун ҳам муаммога айлантиради. Ўтган ўн йилликларда тадбиркорлар дуч келган сансалорлик, қоғозбозлик ва ҳуқуқбузарликнинг асосий сабабларидан бири мана шу ердадир.

Ушбу масалани Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги Қарорида қайд этади. Унинг фикрича оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини унга жалб этиш, амалий ёрдам кўрсатиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш талаб

даражасида эмас. Қарорда оилавий тадбиркорликнинг функционал хусусиятларига беъвосита тааллуқли фаолият йўналишлари сифатида қуйидагилар кўрсатилади: халқимизнинг қадимий касб-хунар анъаналарини давом эттириш, ишбилармонлик салоҳиятини ошириш, хунармандчилик, касаначилик, тикувчилик, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, шахсий таморқадан фойдаланиш, микрофирмалар ташкил этиш, маданий-маиший хизмат турларини кенгайтириш, чорвачилик, балиқчилик билан шуғулланиш, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини тўла қондиришга қаратилган сервисни йўлга қўйиш, ташқи ва ички бозорга товарлар етказиб бериш, янги иш ўринлари яратиш, бандлик билан шуғулланиш кабилардир[4].

Жорий йилдан бошлаб, иш ўрни яратишда, инновацияларни татбиқ этишда, солиқларни ўз вақтида тўлашда, экспорт қилишда, етук мутахассислар тайёрлашда

барчамизга намуна бўладиган бизнес вакиллари ҳақида ҳар йили “Йилнинг илғор тадбиркорлари” китоби чоп этиб борилади. Бундай тадбиркорларимизни муносиб тақдирлаш ва рағбатлантириш учун алоҳида давлат мукофотларини ҳам таъсис этамиз. Бундан буён тадбиркорларнинг ўз орден ва медаллари ҳам бўлади..... Биз доимо изланиб, янгиликка интилиб яшайдиган тадбиркорларимизни, ўз ишига фидойи ва жонкуяр, ватанпарвар инсонлар деб биламиз ва уларни қадрлаймиз”[1],- баён қилди.

Хулоса, ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш керакки Ш.М.Мирзиёев айтганидек: “Биз миллий иқтисодиётимизда ҳақиқий бозор муносабатларини жорий этиш, шу асосда мамлакатимизни тараққий эттириш учун тадбиркорларга бундан буён ҳам барча шароитларни яратиб берамиз. Нега деганда, тадбиркор – иқтисодиётнинг, ислохотларимизнинг асосий таянчи ва локомотивидир. Мана шу ҳақиқатни ҳеч ким унутмаслиги керак”[2].

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Мирзиёев Ш.М. Тадбиркорликни жадал ва янада кенг ривожлантириш учун барча шароитларни яратиш – энг муҳим вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи. 2021 йил 20 август. // <https://uza.uz/uz/posts/tadbirkorlikni-zhadal-va-yanada-keng-rivozhlantirish-uchun-barcha-sharoitlarni-yaratish-eng-muhim-vazifamizdir> 294814.
2. Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз мустақиллиги – биз учун куч-қудрат ва илҳом манбаи, тараққиёт ва фаровонлик асоси. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 2021 йил 30 август. // <http://uza.uz/posts/298190>.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” // Халқ сўзи. 2012, 8 май.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Ҳар бир оила - тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида” // Халқ сўзи, 2018, 8 июнь.
5. Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. – Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2008, - С. 22,23,26.
6. Аннаева Н. Аёллар тадбиркорлигининг генезиси, назарияси ва амалиёти. Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Самарқанд: 2017. – 51,52,57,58 б.
7. Давлетов Ж.Б. Ўзбекистонда “ҳар бир оила – тадбиркор” концепцияси ва унинг инновацион моҳияти 09.00.04 – ижтимоий фалсафа ихтисослиги бўйича фалсафа доктори (phd) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Самарқанд: СамДУ, 2020 – Б.
8. Саидов А.Х. Иммануил Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий мероси ва замонавий юриспруденция. – Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази. 2012. 58-60 б.
9. Сэй Ж.Б. Трактат по политической экономии. Бастиа Ф. Экономические софизмы. Экономические гармонии. / Сост., вступ. ст. и коммент. М.К.Бункиной и А.М.Семенова. — М.: Дело, 2000. - С. 43.

10. Шумпетер Й. Теория экономического развития (Исследование предпринимательской прибыли, капитала, кредита, процента и цикла конъюнктуры). – Москва: Прогресс, 1982. – С. 21-27.
11. Чжен В.А. Законодательные основы рынка. Т.3. – Ташкент: ИПК Шарқ, 1996. – С. 190.
12. Helle Munkholm Davidsen. Entrepreneurship as a New Learning Philosophy University College Lillebaelt Department of Innovation and Development Lucernemarken 15260 Odense S, Denmark head@ucl.dk. 2015
13. Luke Pittaway. Philosophies in Entrepreneurship: A Focus on Economic Theories. Sheffield University Management School 9 Mappin Street Sheffield, S1 4DT. 2005.
14. Lauri J. Laine. “Process philosophy of entrepreneurship and spiritual innovation”. Aalto University School of Business, Helsinki. 2018. <https://docs.gre.ac.uk/data/assets/pdf/file/0004/1577866/Process-philosophy-of-entrepreneurship-and-spiritualinnovation.pdf>. http://ieeponline.com/wpcontent/uploads/2013/11/Webinar-2-Philosophy_Slides.pdf. <https://www.uv.es/bcjaueg/docs/LibroCuervoRibeiroRoigIntroduction.pdf>. <http://yedac.eu/media/5547/Entrepreneurship-as-a-New-Learning-Philosophy.pdf>
15. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. - Б.636.